

МИНГ ЙИЛЛАР ОЛДИН ҚУВАДА қорайтирилган ойнадан фойдаланилган

Санобар ЖУМАНОВА

Қува ўзининг анорлари билангина эмас, қадимийлиги билан ҳам шуҳрат қозонган. Қувадаги қалъа харобалари ҳудуднинг олис ўтмишидан сўзлайди, хунармандчилик ва савдо ишлари юксак даражада бўлганидан гувоҳлик беради. Таъкидлаш лозимки, Фарғона водийсида Қувадаги каби яхши сақланиб қолган ёдгорликлар кам учрайди. Шу боис, шаҳар харобаси нафақат жанубий Фарғона, балки бутун водийнинг қадим тарихини ўрганиш учун муҳим манбадир.

— Қува Фарғона водийсини қадимда Кошғар билан боғлаган Буюк ипак йўлининг серқатнов ҳудудида жойлашган шаҳарлардан биридир, — дейди Фанлар академияси таркибидаги Миллий археология марказининг ландшафт археология бўлими бошлиғи, тарих фанлари номзоди Дурдона Муродова. — Изланишлар Қува шаҳрига эрамыздан олдинги III асрда асос солинганини кўрсатади. Хитой манбаларида бу шаҳар Хунмин деб аталган. Ўрта асрларда Қува шаҳарнинг қадимги ўрнида қайта тикланган ва уч қисм — арк, шаҳристон ва раббатдан иборат бўлган.

1957-1958 йилларда Қува туманида археологик кузатув ишлари олиб борилиши натижасида археологик харитага қуйи қатлами антик даврга оид тўртта, ўрта асрга оид 22 та ёдгорлик киритилди. 1964-1965 йилларда Қува тумани чегарасини қайта белгилаш мақсадида бу ерда қайта ўтказилган археологик кидирув ишлари натижасида 33 та ёдгорлик аниқланган.

Ёдгорликда археологлар томонидан олиб борилган қазув ишлари натижа-



сида VII-VIII асрларга оид буддавийлик ибодатхонаси топилган. Бундан у ердан топилган Будданинг лойдан ясалган ҳайкали ва буддавийликка хос бўлган бошқа ҳайкалчалар ҳам тасдиқлайди. Ушбу зиёратгоҳ мамлакатимиз ҳудудида аниқланган санокли будда ибодатхоналаридан ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, қадимда Қува шиша ва ундан тайёрланган

маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича йирик хунармандчилик маркази бўлган. Шиша буюмлардан ниҳоятда юпқа қадаҳ, атир сепкичлар ишланган. Қува усталари тайёрлаган шиша буюмлар шакли, безалиши, ранг-баранглиги билан ажралиб турган. Усталар нафақат маиший буюмлар, балки қурилиш ойналари ҳам ясаган. Ойналар дераза, туйнуқларга қўйилган, улар орасида қора ранглилари ҳам учрайди. Бу ёдгорликда узоқ йиллар археологик қазув ишлари олиб борган археолог олим Б.Матбобоев Марказий Осиёнинг ёзи иқлим шароитида қорайтирилган ойналарга эҳтиёж юқори бўлганини таъкидлайди. Демак, аждодларимиз бундан минг йиллар олдин ҳам кўёш тафтидан ҳимояланиш учун қорайтирилган ойналардан фойдаланган.

Эътиборлиси, археологлар Қувада VIII-IX асрларда турар жойлар икки қаватли қилиб қурилганини тасдиқлайди. Бугунги кунда мунгайиб турган бу эски шаҳар харобаларининг тарихи шундай аломатлидир. Бугун ушбу ёдгорликнинг тарихий аҳамияти ниҳоятда катта.